



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 12 июль, № 142 (7100)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Юқори даражадаги хизмат учун янги имкониятлар

Нукус халқаро аэропорти реконструкция ишларидан сўнг замонавий киёфа касб этди. Натижада соатига 400 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти пайдо бўлди.

Айтиш жоизки, ушбу терминалда амалга оширилган бунёдкорликлар “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси томонидан мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш, йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш, аэропортлар инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича рўёбга чиқарилган навбатдаги лойиҳадир.



Бунёдкорлик



Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Раматов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси М. Ерниязов ва бошқалар мамлакатимизда бундай хайрли янгилеклар деярли ҳар кўни рўй бераётгани, ушбу жараёнлар келгусида ҳам

изчил давом эттирилишини алоҳида таъкидладилар.

— Терминал йўловчилар ва уларнинг юқларига халқаро стандартларга мос хизмат кўрсатиш имконини берувчи энг замонавий жиҳозларга эга, — дейди Нукус халқаро аэропорти йўловчиларни ташиш хизмати бошлиғи Қонис Нуратдинов. — Бундан ташқари,

авиация хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш учун замонавий муҳандислик ва технологик линиялар ўрнатилди. Парвозолди назорати ва юк олиш майдонлари кенгайтирилди, рўйхатдан ўтиш устунлари кўпайтирилди. Маҳаллий ва халқаро авиайўналишлар учун йўловчилар зали, оналар ва болалар хонаси, тиббиёт пункти,

валюта айирбошлаш шохобчалари, совғабоп махсулотлар дўконлари, кафе-бар йўловчилар хизматида.

Терминалнинг янги дизайни ҳудуднинг иқлим шароити инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилгани диққатга сазовор.

(Давоми 4-бетда).



Эксклюзив интервью



Кенгашлари депутатлари билан 2017 йил 12 июлда бўлиб ўтган учрашуви ҳамда унда парламент палаталари ва барча депутатлар корпуси фаолиятининг таҳлилига, истиқболдаги вазифаларга бағишланган маърузасига бир йил тўлди.

Ислохотларга қонуний асосни парламент яратади

Мамлакатимизнинг барча ҳудудидан намоиш этилган ушбу тадбир ҳамда унда янграган маърузани сиёсий партияларнинг ўн минглаб фаоллари, шунингдек, барча даражадаги маҳаллий Кенгашлар депутатлари эшитиш имконига эга бўлди. Унда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш Ўзбекистон сиёсат майдонидagi барча сиёсий кучлар фаолиятининг муҳим таркибий қисмига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон ИСМОИЛОВ билан суҳбатимиз ушбу соҳада эришилаётган натижалар ҳусусида бўлди.

— Сиз тилга олиб ўтган ушбу воқеа муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, аслида мамлакатимиз Конституциясининг асосий қоидаларини амалда рўёбга чиқарилиши билан узвий боғлиқдир.

Давлат ҳокимияти органлари келишилган ҳолда фаолият кўрсатишини ва ҳамкорлигини таъминлашга

доир ўз конституциявий вазифаларини амалга ошириш асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳокимият барча тармоқларини янада такомиллаштиришнинг истиқболли режаларини ишлаб чиқиши талаб этилади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг ўтган йил 12 июлдаги маърузасида ҳокимият вакиллик органларини яқин истиқболда сиёсий жиҳатдан модернизация қилишининг асосий қоидаларини, шунингдек, ушбу органлар фаолиятининг замон талабларига монанд бўлишини таъминловчи вазифаларни белгилаб берди. Давлатимиз раҳбарининг маърузаси мамлакатимиз ҳаётидаги ўта долзарб ташаббуслар замирида тарқиб топган бўлиб, бу ташаббусларнинг амалга оширилишини миллий сиёсий тизимимиз мутлақо янги, юксакроқ ривожланиш босқичига ўтишини аниқлатади.

Шуни таъкидлаш кераки, 2017 йил 22 декабрда Президентимизнинг мамла-

кат Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси 2017 йил 12 июлдаги маърузада баён этилган ислохотларга юз тутган қоидаларнинг мантқий давоми бўлди. Кенг жамоатчиликнинг эътиборига ҳавола этилган ушбу тарихий Мурожаатнома Президентимиз Шавкат Мирзиёев миллий парламентаризм тизимининг ҳолати ва истиқболларини, сиёсий институтлар фаолиятини демократлаштириш жараёнларини ҳамда сиёсий воқеликни стратегик жиҳатдан кенг кўламда қай тарзда тасаввур этишини оидинлаштириб берди.

Президентимизнинг 2017 йил давомида депутатлар корпусига йўллаган ушбу икки мурожаати Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида муҳим ўрин эгаллади ҳамда Президентимизнинг парламент фаолиятига бўлган жиддий эътибори ва муносабатини белгилаб берди.

(Давоми 2-бетда).



“Халқ сўзи” учун махсус

Хитой – Ўзбекистон алоқаларини янада муस्ताҳкамлашда ёшлар муҳим ҳаракатлантирувчи куч

Ёшлар қалби истиқболли ғояларга лиммо-лим. Уларда янгилек яратишга бўлган интилиш руҳи доимо жўш уради. Ўсиб келаётган авлод — жамиятнинг давлат қурилиши фаолиятидаги энг кучга тўлган, креатив ва ижодий таркибий қисми. Бу мамлакат келажаги, миллат умидидир.

Хитойда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам аҳолининг асосий қисминини ёшлар ташкил этади. Давлатларимиз раҳбарлари уларнинг камол топишига катта эътибор қаратяпти, ғамхўрлик кўрсатиб, фаол қўллаб-қувватламоқда. ХКП 19-Бутунхитой съездида ХХР Раиси Си Цзиньпин ёш авлодда юксак ғоялар ва катта иқтидор борлигини қайд этар экан, агар улар масъулиятни дадиллик билан ўз зиммасига олсалар, мамлакатни ёшлар келажаги, халқни эса ажойиб истиқбол қутишини таъкидлади. Хитой етакчиси фикрича, ёшларнинг кенг қатлами юксак ғоялар ва ишонччи муस्ताҳкамлаши, узоқни ўйлаб ҳаракат қилиши, ўз ишини чин дилдан бажариши, даврнинг жасур бунёдкори бўлиши, халқ манфаати учун доимий ку-

раш йўлида таржимаи ҳолига ёрқин саҳифаларни битиши лозим. Ўз навбатида, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига киришиш тантанали маросимидида мамлакат ёшларини мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиши, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун қўллаб-қувватлади.

Яқинда Ўзбекистон тарихида илк бор “Ёшлар кўни” кенг нишонлангани ҳам навқирон авлодга берилаётган юксак эътибордан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).



Жаҳон банки президенти Жим Ён Кимнинг Америка Қўшма Штатларининг нуфузли «Foreign affairs» журнали сайтида чоп этилган таҳлилий мақоласи

ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ УЗИЛИШЛАР

Қандай қилиб ҳукуматни инсон капиталига сармоя йўналтиришга ишонтириш мумкинлиги ҳақида.

Ҳукумат иқтисодий ўсиш таъминлашга интилар экан физик капитал — муҳташам кўприклар, янги йўللар, замонавий аэропортлар ва бошқа инфратузилмаларни барпо этишга инвестиция қилишга эътиборни қаратади.

Одатда, улар аҳоли саноатлиги, билим ва кўникмалари, тажриба ва турмуш тарзини ўзида мужассам этган инсон капиталига инвестиция қилишга унчалик манфаатдор эмас. Бу катта хато, негаки, инсон капиталига инвестиция қилишга нисбатан бепарволик мамлакат рақобатбардорчилигини кескин пасайтириб юбориши мумкин. Зеро, мамлакат иқтисодий жиҳат-

дан тараққий этиши учун истеъдодли одамларни тарбиялаш талаб этилади.

Жаҳон банки гуруҳининг бутун фаолияти давомида экспертларимиз иқтисодиётнинг ўсишига хизмат қилувчи, одамларга камбағалликдан халос бўлишга ёрдам берувчи ҳамда ривожланаётган мамлакатлар тараққиётига сармоя қилиши мумкин бўлган ҳар бир жиҳатни ўрганди.

2003 йилда банк «Doing Business» номи илк йиллик ҳисоботини чоп этган ва унда солиққа тортишдан то шартномаларни бажаришга бугунча ҳисоблаганда энергия таъминоти тахминан 30 фоиз камайдди. Биз иқтисодиётимизни тубдан ривож-

кор этишнинг имкони йўқ. Саббаби давлат раҳбарлари ва молия вазирлари тўғридан тўғри хорижий инвестициялар камайиши мумкинлиги билан боғлиқ таваккалчиликка дуч келди. Чўнки компаниялар энг мақбул ишбилармонлик муҳитига эга мамлакатларга сармоя киритишни афзал билди. Кейинги 15 йилда «Doing Business» ҳисоботлари 3180 дан ортққ ислохотни амалга оширишга кўмаклашди.

Бугунги кунда банк ҳудди шундай ёндашуви илгари сурган ҳолда, ҳукуматларни инсонларга сармоя қилишга даъват этмоқда. Жаҳон банки гуруҳи вакиллари инсон капитали ҳодимларнинг кейинги авлоди иши са-



Жаҳон банки президенти Жим Ён Ким

марадорлигига қандай таъсир кўрсатишини баҳолаш индексини ишлаб чиқмоқда.

(Давоми 3-бетда).



Қонунчиликдаги янгилеклар

Савдо-саноат палатасининг фаолият қамрови кенгайди

Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бозор инфратузилмаси фаолиятини янада ривожлантиришнинг таъсирчан механизмларини яратиш, тадбиркорлар муаммоларини ортққча сансалорликлар ва бюрократиясиз тезкорлик билан ҳал қилиш Қонуннинг асосий мақсади бўлиб, экспертларнинг фикрича, янги ҳуқуқий қоидалар мамлакат иқтисодиётда нодавлат секторнинг ролини янада оширишга хизмат қилади. Муҳбиримиз ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида парламент аъзолари, экспертлар фикрлари билан қизиқди.

Одилжон ИМИНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Ўзбекистонда 230 мингдан ортққ тадбиркорлик субъектлари фаолият юритади. Ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ЯИМ таркибидаги улуши 53,3 фоизни ташкил қилди.

(Давоми 2-бетда).



Технология

Давлатимиз раҳбарининг кўни кеча Ўзбекистонда атом электр станцияси барпо этиш борасидаги ташаббуси бутун халқимизнинг руҳини кўтариб юборди. Атом энергияси ҳақида сўз юритишдан олдин бир жиҳатга эътибор қаратасан. Инсон ҳаётида яшаш учун тўртта омил мавжуд: сув, энергия, озик-овқат ва саломатлик.

Келажак энергияси мамлакатнинг тинч тараққиётига хизмат қилади

Ана шулар билан боғлиқ муаммоларнинг ҳаммаси ечилган бўлганда бошқа муаммолар бўлмасди. Ҳозирги пайтда сув таъминоти, айниқса, ичимлик суви, энергия таъминоти муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда юртимизда қарийб 33 миллион нафар аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, ўтган чорак аср давомида амалда бирорта ҳам қудратли электр энергия станцияси қурилган эмас. Демак, одам бошига ҳисоблаганда энергия таъминоти тахминан 30 фоиз камайдди. Биз иқтисодиётимизни тубдан ривож-

лантириш, янги қувватлар барпо этишга бел боғлаямиз. Буларнинг барчаси энергияни талаб қилади. Шундай экан, ўзимизда мавжуд бўлган уран хом ашёсига таяниб атом электр станцияси қуришга қарор қилингани айни муддаодир.

Ҳаётимизни энергиясиз бир тасаввур этиб кўринг. Усиз ҳаёт тўхтаб қолиши мумкин. Кенг миқёсда олганимизда углеводород хом ашёси, гидроэнергия таъминоти, няхоят атом энергетикасидан иборат. Қуёш энергияси ҳақида гапирамиз. Лекин унинг фойдали иш ко-

Тасаввур қилинг, ураннын 20 граммлик таблеткаси 520 килограммлик кўмирнинг қувватини беради. Агар биз мазкур масалани ҳал қилишга бугундан киришмасак, келажак авлод бизни кечирмайдди.



эффиценти 15 фоиздан ошмайди. Кўмирдан олинаётган самардорлик ҳам анча паст. Шу жиҳатдан олганда, энг ишончли, қафолатли ва хавф-

сиз энергия атом энергияси эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).



◄ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимиз раҳбарининг давлат ва жамият қурилишини тақомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодиётни либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, ўзаро манфаатли ташки сёбат соҳасидаги ғоялари ва бу жабҳада белгилаб берган вазифалари парламентимиз олдига муҳим талаблар қўйди, унинг фаолиятига янгича мазмун-моҳият олиб кирилишига сабаб бўлди.

— ***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этиш усуллари ва принципларидаги ўзгаришлар тўғрисида сўз борар экан, мамлакатимиз Президентни томонидан билдирилган тақлифлар парламент ишига қандай түб ўзгаришлар олиб кирганини билишни истардик.***

— Энг аввало, депутатларимиз ўз сайловчилари билан бўлган муносабатларини янгича шакл-шамойилда олиб бора бошлади. Агар илгари Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайловчилари билан йилгига 2-3 марта учрашган бўлса, бугунги кунда бундай ишлар депутатларнинг мунтазам, ҳар ойда жойларда бўлиши тарзида амалга оширилиши йўлга қўйилган. Биргина 2018 йилнинг январь — май ойларида республикамининг 70 та туман ва шаҳарида олиб борилаётган ишларнинг ҳаққиқ ҳолати депутатлар томонидан чуқур ўрганилди. Амалга оширилган ишларнинг натижалари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг мажлисларни ўтказилиб, уларда ҳокимларнинг, прокуратура, ички ишлар органлари ва солиқ хизмати раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Депутатларимиз жойларда ишларни амалга ошириш асосида ўтган давр мобайнида 28 мингдан орტიқ хонадонларга ташриф буюрдилар, 112 мингдан ортиқ фуқаролар билан, шу жумладан, 10 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари билан бевосита суҳбатлар ўтказди. Аниқланган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш чораларини кўрдилар.

Депутатлар корпуси қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлиги мамлакатимиз Президентни томонидан адолатли тарзда танқид остига олинган эди. Танқиддан тўғри ҳулоса чиқарган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини яхшилаш йўлида ибратли ишлар амалга оширилиши натижасида, агар 2016 йил мобайнида депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси тартибидан бор-йўғи 11 қонун киритилган бўлса, 2017 йилда ушбу рақам 27 тага етди (ўсиш деярли 2,5 бараварни ташкил этди). Жорий йилда ҳам шунга ўхшаш натижалар кузатишмоқда — ярим йил ичида фақат депутатлар ташаббуси билан 12 та қонун лойиҳаси киритилди.

Хитой — Ўзбекистон алоқаларини янада мустақкамлашда ёшлар муҳим ҳаракатлантирувчи куч

◄ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу муносабат билан давлат раҳбари ўз табригида ўтган йилларда эришилган ютуқларни айтиб ўтар экан, ёшларга ота-оналари, устоз-мураббийлари, халқи улардан кутаётган орзу-умидларини амалий ишлар билан рўёбга чиқариши йўлида ҳормасликлари, қарчамасликларини тилади. Яқинда “Yoshlar — kelajadimiz” номли кенг қамровли Давлат дастурининг қабул қилиниши ҳам бу борадаги яна бир амалий қадамга айланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, икки давлат раҳбарлари келажак, ёшлар тараққиёти ҳақида самимий орзу-умидларга эга. Улар Хитой ва Ўзбекистон ўртасида ёшлар алмашинуви ҳамда ҳамкорлигини мустақкамлашга алоҳида аҳамият бермоқда. Кейинги йилларда томонлар бу жабҳада катта натижаларга эришди. 2017 йил август ойида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўз раиси бошчилигида Хитойга борди ва ШХТ ёшлар оромгоҳида иштирок этди. Яқинда Бунтухитой халқ вакиллари кенгаши делегацияси Тошкентда ташкил этилган “Терроризмга олиб келувчи тажовузкор экстремизм ва радикализмнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашишда ёшларнинг роли” мавзудидаги халқаро конференцияда қатнашди.

Ёшлар Хитой ва Ўзбекистон ўрта-

Депутатлар томонидан парламент назоратини амалга ошириш ҳам сифат жиҳатидан ўзгарди. Жумладан, сўнгги йилда Президентимиз тақлифлари асосида Қонунчилик палатаси мажлисларида “ҳукумат соати” доирасида ҳукумат аъзоларини эшитиш механизми жорий этилди ва у амалда самарали қўлланилмоқда. Жумладан, “ҳукумат соати” доирасида Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш ҳамда бандлик ва меҳнат муно-

Олий Мажлис ҳузурида ўз фаолиятининг йўналишлари бўйича Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссия ҳамда бевосита Қонунчилик палатасида Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссия ҳамда Ёшлар масалалари бўйича комиссия шакллантирилди. Улар бугун фаол иш олиб бормоқда.

Қонунчилик палатасида фаолият кўрсатаётган Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси

Ислохотларга қонуний асосни парламент яратади

сабатлари вазирларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотлари эшитилди.

— ***Парламент куйи палатаси таркибида кейинги вақтларда амалга оширилган тузилмавий ўзгаришлар тўғрисида сўзлаб берсангиз.***

— Мамлакатимиз Президентни томонидан олдимизга қўйилган вазифаларни амалга ошириш ишимизга муайян тузилмавий-институционал ўзгартиришлар киритишни тақозо этди. Шу боис аниқ йўналишлар бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти самарадорлиги кучайишини таъминлаши керак бўлган янги тармоқ бўлинмалари шакллантирилди. Жумладан, қуйи палата таркибида Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмитаси тузилди. Ушбу кўмитанин фаолияти унинг аъзолари ишини бевосита жойларда йўлга қўйиш устуворлигини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиб, кўмита томонидан Жиззах вилояти ва Тошкент шаҳрининг барча туманида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилди. Умумлаштирилган маълумотлар асосида ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чикилди.

Президентимиз тақлифига биноан, Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилди. Институт томонидан энг яхши халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш асосида 25 та қонун лойиҳасига, Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг 5 та қарорига, Ўзбекистон Республикаси Президентни фармонлари ва қарорларининг 9 та лойиҳасига тақлиф ва тавсиялар тайёрланди. Мазкур институт ҳозирги кунда мамлакатимиз парламенти фаолияти самарали кечishiга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, Олий Мажлис ҳузурида суд соҳасидаги ислохотларни амалга оширишга, ёшларни, аёлларни ва оила институтини қўллаб-қувватлашга кўмаклашиши лозим бўлган янги коллегиял органлар шакллантирилди. Жумладан,

негизида унинг вазифалари доирасига инновацияларни жорий этишга кўмаклашиш масалаларини киритган ҳолда, янги кўмита — Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси тузилди ва бу замонавий жамият учун гоят аҳамиятли секторларда депутатлар фаолияти самарадорлигини юксалтириш имконини берди.

— ***Мамлакатимиз Президентни давлат органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масаласига катта эътибор қаратмоқда. Парламентнинг куйи палатасида бу йўналиш қандай ривожланмоқда?***

— Парламент депутатлари ижтимоий тармоқларда ўз шахсий саҳифаларини очиши тўғрисидаги Президент тақлифининг амалга оширилиши натижасида ҳозирги вақтда ижтимоий тармоқларда парламент вакилларининг фаолиги бўйича Ўзбекистон ўртача жаҳон кўрсаткичларидан анча юқорилаб кетди. Бу, хусусан, БМТ томонидан тайёрланадиган E-parliament World Report халқаро шарҳида ҳам қайд этиб ўтилди.

Бугунги кунга келиб, Қонунчилик палатасининг барча депутатлари “Facebook” ижтимоий тармоғида шахсий саҳифаларини очди. Улар томонидан ҳар куни турли электрон ОАВ ва тармоқ ресурсларида жамоатчилик эътиборини тортувчи долзарб масалалар бўйича 200 дан зиёд ахборот материаллари жойлаштирилмоқда, жамоатчилик фикрини шакллантириш, ишончли ижтимоий-сиёсий ахборотни аҳолига етказиш борасида тизимли ишлар олдид борилаётр.

“Facebook”даги шахсий саҳифаларида, шунингдек, Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида барча фуқаролар учун очик бўлган “депутатнинг виртуал қабулхонаси” хизматидан фойдаланиш депутатларнинг ўз сайловчилари билан алоқалари сифатини ва тезкорлигини, улар фаолиятининг шаффофлиги ва ҳисобдорлиги даражасини жиддий тарзда оширди. Қонунчилик

палатаси депутатларига электрон мурожаатлар йўллашни ташкил этиш кулай бўлиши учун фуқароларнинг электрон мурожаатларини қайта ишлашни соддалаштириш ва автоматлаштириш имконини берадиган махсус мобиль илова ишлаб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз Президентининг ташаббусига биноан, фуқароларнинг жамоавий электрон мурожаатлари бўйича “Meningfikrim.uz” веб-портали

яратилиб, ишга туширилди. Мазкур портал мамлакатимизда жамоатчилик мухокамаларининг энг оммабоп майдонига айланмоқда. Ўтган тўрт ой мобайнида порталга фуқароларнинг ташаббуслари билан боғлиқ 1132 та мурожаат келиб тушди, 14138 та шарҳ қолдирилди, 74 та ташаббус овоз бериш босқичида турибди.

Куйи палатада қонун лойиҳаларининг муҳокамаси кундан-кунга қизикари, фракциялараро баҳс-мунозаралар тарзида, конструктив руҳда кечаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Фуқароларимиз булар ҳақида оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение ва радиодастурлар орқали мунтазам танишиб бориш имконига эга бўлмоқдалар. Нокматрлик бўлса ҳам шуни айтиб ўтиш керакки, Қонунчилик палатасининг интернетдаги веб-сайти энг ўқишли ва кенг ўқувчилар аудиториясига эга манбага айланган бўлиб, фуқароларимиз палатадаги қизгин жараёнларни, кўмиталар фаолиятини, муҳокама этилаётган қонунлар ҳақидаги маълумотларни бевосита кузатиб бормоқда. Дикқатга сазовор жиҳати шундаки, ижтимоий муҳим аҳамиятга молик қонун лойиҳалари, албатта, жамоатчилик муҳокамасига қўйилмоқда.

Умуман олганда, Олий Мажлис бўйича “электрон парламент” комплекс дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда. Ушбу дастурни бажариш электрон овоз беришининг янгиланган ҳамда электрон ҳужжат айланишининг ихтисослаштирилган тизимларини жорий этишни, фойдаланувчиларнинг парламент Қонунчилик палатаси фракциялари ва кўмиталари йигилишларининг ҳужжатлари, видеоматериалларидан фойдаланишини таъминлайди.

— ***Сўхбатимиз якунида депутатлик фаолиятининг истикболлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз. Сиз ушбу соҳада нималарга ва қайси устувор йўналишларга эътибор қаратган бўлардингиз?***

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ислохотчилик

иродаси ила илгари сурилган кенг кўламли режалари ва лойиҳаларининг рўёби, шубҳасиз, мамлакатимизни янги, янада юқори даражадаги ривожланиш босқичига олиб чиқади, халқимиз турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилади. Жамиятимизда қарор топган барча ижтимоий кучларни Ўзбекистонни ривожланган демократик давлат сифатида қарор топтириш ҳақидаги буюк ғоя атрофида жипслантирмий туриб, тараққиётимизда юксак мақсадларга эришиб бўлмайди. Ҳеч шубҳасиз, бундай ша-роитларда жамиятда ишчанлик, яратувчанлик муҳитини шакллантириш, ислохотларни рўёбга чиқариш учун зарур ҳуқуқий майдон яратиш, парламент назорати тадбирлари салоҳиятидан жамият манфаатлари йўлида самарали фойдала-

нишда парламентнинг, бошқа сиёсий институтларнинг роли ортиб бораверади. Мамлакат Президентни Шавкат Мирзиёев томонидан тақлиф этилган сиёсий йўл тўғри, ўз вақтида белгиланганлигига ва бундан бошқа йўл йўқ эканлигига парламентнинг ишончи қомил. Биз амалга оширилаётган ислохотларнинг зарурлигига ва мисли кўрилмаган натижаларга эришишимиз муқаррарлигига қатъий ишонамиз. Шу тўғйли ҳам мамлакатимиз Президентининг давлат ҳамда жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган фаолиятини бундан буён ҳам сиёсий нўқтאי назардан қатъий қўллаб-қувватлаймиз. Бундай ҳамжиҳатлик фақат сиёсий баёнотларда ва расмий ҳаракатлардагина ифодаланиб қолмай, балки фуқароларнинг манфаатларини амалда рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, тинчлик-хотиржамликни таъминлашда парламентнинг, депутатларнинг бевосита иштироки орқали амалга оширилади.

Аёнки, миллий давлатчилигимизнинг тараққиёти, ўз даврида мамлакатимизда парламентаризм тизими жиддий ривожланишига ҳам туртки бўлди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон парламенти қамол топди, мустаҳкам оёққа турди ва келажакка дадил бoқмоқда. Ҳозирги вақтда парламент сезиларли куч ва нуфузга, халқ орасида обрў-эътибор ва ишонча сазовор бўлмоқда. Ушбу салоҳиятдан ва миллий парламентаризм тизимининг ваколатларидан халқ фаровонлигини юксалтириш, давлатчиликни мустаҳкамлаш, бекиёс Ватанимизни янада ривожлантириш йўлида самарали фойдаланиш зарур ва шартдир. Депутатлик корпуси бу ишга тайёр ва ҳозирги шиддатли социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар даврида Президентини томонидан қўйилган юксак вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлашга қатъий бел болаган.

«Халқ сўзи» мухбири Қобил ХИДИРОВ сўхбатлашди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ислохотчилик

Келажак энергияси

мамлакатнинг тинч тараққиётига хизмат қилади

◄ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги пайтда дунё миқёсида энергия таъминотининг 15 фоизи атом энергияси ҳиссасига тўғри келмоқда. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич жуда юқори ва йилдан-йилга ошиб бoр-япти. Ўзбекистон ҳам ана шу тараққий этган давлатлар сифидан жой олиши учун келажак энергиясини ишга солишга ҳаракат қилиши керак.

Тасаввур этинг, уранин-нинг 20 граммлик таблеткаси 520 килограммлик кўмирнинг қувватини беради. Агар биз мазкур масалани ҳал қилишга бугундан киришмасак, келажак авлод бизни кечирмайди. Ҳозирчага ортимизда қазиб олинаётган уранини четга сотяпмиз. Агар ана шу ноёб хом ашёни ўзимизда ишлатсак, жуда катта самарадорликка эришамиз.

Биргина АҚШнинг ўзида 99 та атом электр станцияси ишлаб турибди. Яқинда бир қатор станцияларга 60 йиллик эксплуатациядан сўнг яна 20 йил ишлашига лицензия берилди.

Бирлашган Араб Амир-

Халқ сўзи

2018 йил 12 июль

Савдо-саноат палатасининг фаолият қамрови кенгайди

◄ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Экспортнинг 27 фоизи, саноатнинг 39,6, қурилиш соҳасининг 65,1 фоизи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Мамлакатда иш билан банд аҳолининг 78,3 фоизи айнан ҳусусий секторда фаолият кўрсатяпти.

Тадбиркорликнинг ишончли ҳуқуқий ҳимояси мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим шартидир. Жаҳон банкининг ўтган йилги “Бизнес юритиш” рейтингида Ўзбекистон 13 поғона юқорилаб, ишбилармонлик муҳитини яхшилаган мамлакатлар ўнталигидан жой олди. “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”-ги Қонун қондалари бизнес манфаатларини ҳимоя қилишнинг пухта механизмларини яратиш, тадбиркорлик ҳаракатининг янада кенгайишига имкон беради.

Бинобарин, ҳуқуқий ҳужжат интеграциялашган тадбиркорлар ҳамжамиятини шакллантириш ва тадбиркорлик субъектларининг, улар бирлашмаларининг давлат органлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини кенг қамраб олиш ва уларни тадбиркорлар ҳамжамиятини шакллантириш жараёнига жалб қилиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Сохибжон ИСМОИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Бир йил олдин қабул қилинган Президент Фармони-га асосан, Савдо-саноат палатаси тизими тубдан ислох қилинди. Унинг асосий вазифалари белгилаб олинди. Савдо-саноат палатаси тўғрисидаги амалдаги Қонун ҳам сезиларли даражада тақомиллаштирилди.

Муҳим янгилıklarдан бири шу бўлдики, Савдо-саноат палатасига қонун ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи берилди. Унга қўра, Палата Президент девонига, ҳукуматга, вазирлик ва идораларга ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларини фаолиятини тартибга солиш масалалари юзасидан тақлифлар кирита олади ва бу билан чегараланиб қолмайди.

Палата норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тадбиркорлик фаолиятига қай даражада таъсир кўрсатишини баҳоловчи ҳулосалар берадиган ваколатли орган сифатида белгилаб олинди. Қонунда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Савдо-саноат па-

латаси билан мажбурий тартибда келишиб олиниши лoзимлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, Палата мазкур соҳада жамоат назоратининг асосий субъекти ҳам ҳисобланади.

Қисқаси, янги тахрирдаги Қонун нормалари тадбиркорлик ҳаракатининг янада ривожланишига хизмат қилади.

Нигора СОДИҚОВА, Савдо-саноат палатаси бош юрисконсултанти:

— Бир йил аввал тузилма тубдан ислох қилинди ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг аниқ вазифалари белгиланди. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ташкилотнинг ўрни сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Уч ой ўтиб кучга кирадиган ушбу Қонун Палатаниннг мустақиллигини янада мустаҳкамлайди. Қолаверса, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг Палата фаолиятига арашланишига йўл қўйилмаслиги кўрсатиб ўтилгани мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш эркинлигининг қафолатларини қучайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш мақсадида энди иш бошлаётган тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш учун бизнес-инкубаторлар барон қилиш ва фаолиятини ташкил этиш кўзда тутилган. Бу ерда уларга бизнес-режаларни тайёрлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотни олиш ҳамда масалаларни ҳал этишда эксперт, ҳуқуқий ва маслаҳат ёрдами кўрсатилади.

Палата ўз манфаатларини илгари суриш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, жаҳон ҳамжамиятида тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ўз ваколатхоналарини очиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди. Палата ҳузурида Халқаро тижорат арбитраж суди ташкил этилиши чет эллик инвесторлар, шунингдек, хорижий шериклар билан ўзаро муносабатларда миллий компанияларнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Қонун ҳужжатларига муювдиқ, Палата унитар корхоналар, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларни ҳам ташкил этиш мумкин.

Умуман, янги тахрирдаги Қонун Савдо-саноат палатаси ва унинг аъзолари олдидаги имкониятлар кўламини янада кенгайтиради.

«Халқ сўзи» мухбири Раҳим ШЕРҚУЛОВ ёзиб олди.

◄ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ликлари нефть-газга қанчалик бой эканлиги ҳаммага маълум. Лекин шунга қарамасдан бу мамлакатда атом электр станциясининг 4 та блокни қуришга ҳаракат қилинмоқда. Ўзлари бой углеводород захирасига эга бўлишига қарамадан атом энергиясини ишга солишга интилишяпти. Сабаби янги технология экологик жиҳатдан соф, ишлаштида хавфсиз энергия кўпроқ манфаат келтиради.

Масала моҳиятини тўлиқ тушунмаган одамлар атом энергетикаси ҳақида гап кетганда, Чернобиль ва Япониянинг Фукусимо станциялари ҳалокатларини ёдга олишади. У жойлардаги фалокатлар, асосан, инсон омили туфайли руй берган. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган реакторлар бир неча баробар хавфсиз ва ишончлидир. Бугунги реакторлар механизми 21 ўринда ўзаро хатардан асровчи қафолатга эга. Булар учинчи авлод реакторлари ҳисобланади. Уларнинг устига самолёт қулаганда ҳам фалокат руй бермайди.

Атом энергиясига эга

бўлсак, қанча газ хом ашёси тежаб қолинади?! Биз янги объектда ишлайдиган билимдон ва маълакали кадрларни тайёрлашимиз керак. Ёшларимиз хозирданок Москва муҳандислик-физика институтига ўқишга киришмоқда. Мазкур олий ўқув юртининг Ўзбекистонда филиалини очиш ҳаракати бошланди. Уч йил ичида 4 минг нафар мукаммал билимга эга мутахассислар тайёрлашимиз зарур. Умуман, атом электр станцияси қурилишида 9 минг одам, ишга туширилгандан кейин 3,5 минг киши иш билан таъминланади. Бу ерда фаолият юритадиган муҳандис-техники ходимлар юксак маълакали, билимдон ва ҳар жиҳатдан ватанпарвар бўлишлари керак.

Ҳар томонлама узоқни қўзлаб режалаштирилган экологик тоза ва зарарсиз ушбу йирик лойиҳа мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига, халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилишга шак-шубҳа йўқ.

Беход ЮЛДАШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти.

ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ УЗИЛИШЛАР

Қандай қилиб ҳукуматни инсон капиталига сармоя йўналтиришга ишонтириш мумкинлиги ҳақида.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Индекс шу йилнинг октябрь ойида Балида бўлиб ўтадиган Жаҳон банки гуруҳининг йиллик йнгилишида тақдим этилади. Унда бугун дунёга келган бола 18 ёшга етганда умид қилиши мумкин бўлган саломатлик ҳолати, шунингдек, таълимнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари акс этади.

Олимлар инсон капиталини ривожлантиришнинг афзалликлари ҳақида кўп нарсаларни билади. Бироқ бу ривожланган давлатларнинг шу йўналишдаги ҳаракатларини жадаллаштиришга ишончли даъват бўла олмади.

Сўнгги ўттиз йилда бой ва қашшоқ мамлакатларда ҳаёт давомийлиги бир-бирига яқинлаша бошлади. Таълим билан қамраб олиш кўрсаткичлари сезиларли равишда ортди. Бироқ муаммолар шу билан барҳам топмади. Беш ёшгача бўлган болаларнинг қарийб тўртдан бири тўйиб овқатланмайди, 260 миллиондан зиёд бола ва ёш мактабда ўқимайди, ривожланаётган мамлакатларда мактаб ёшидаги кичик болаларнинг 60 фоизида ҳамон минимал таълим олиш имконияти мавжуд эмас.

Инсон салоҳиятининг аҳамияти

Инсон капиталининг аҳамиятини бир нечта турли усулларга асосан баҳолаш мумкин. Анъанага кўра, иқтисодчилар буни кўпроқ таълим олган одамларнинг даромади билан ҳисоблар эди.

Тадқиқотлар ҳар бир қўшимча таълим йили инсон даромадини ўртача 10 фоизга оширишини кўрсатди. Бунда таълим сифати ҳам муҳим. Мисол учун, АҚШдаги бошланғич мактабнинг алоҳида синфида малакаси паст ўқитувчини ўрта даражадаги мутахассисга алмаштириш ўқувчиларга бутун умри давомида 250 минг долларгача умумий даромад олиш имконини беради.

Аммо когнитив имкониятлар инсон капиталининг ягона кўрсаткичи эмас. Мардлик, ирода ва ҳалоллик каби ижтимоий-ҳиссий кўникмалар, одатда катта иқтисодий самарадорлик келтирди. Соғлиқ ҳам муҳим аҳамиятга эга. Негакси, соғлом инсонларнинг меҳнат самарадорлиги юқори бўлади.

Мисол учун, 2015 йилда Кенияда ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, болаларга нархи атиги 30 центга тенг гельминтларга қарши дори воситаларини бериш мактабда дарс қолдиришни камайтиришга, кейинчалик эса мустақил ҳаётга қадам қўйганда ойлик маошининг жами 20 фоизга ошишига олиб келди.

Эрта ёшдан инсон капиталини турли йўллар билан ўлчаб бориш яхши самара беради. Болани гўдақликдан тўғри овқатлантириш, соғлом ривожланишини рағбатлантириш кейинчалик унинг жисмоний ва руҳий фаровонлигини яхшилайди.

Айни пайтда болаликда когнитив ва ижтимоий-ҳиссий имкониятларда йўл қўйилган айрим камчиликларни балоғат ёшига етганда тузатиш қимматга тушади. Шунинг учун ҳукумат томонидан инсон капиталини бола ҳаётининг дастлабки 1000 кунлигида ривожлантириш иқтисодий самара беради.

Буларнинг барчаси иқтисодий ўсиш билан нечоғли боғлиқ? Биринчидан, инсон капиталига индивидуал сармоялардан олинадиган фойда қўйилса, умумий самара алоҳида қисмлар микдоридан кўпроқ эканлиги аён бўлади.

Кениядаги мактаб ўқувчиларга қайтадиган бўлсак, биргина боланинг гельминтлардан халос бўлиши бошқа болаларнинг зарарланishi эҳтимолини камайтиради. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг келажақда яхши ўқиши ва улгайгач нисбатан катта маош олишига олиб келади.

Инсон капиталини ривожлантиришнинг айрим афзалликлари жамланиб, сармоя киритилаётган авлод биланига на чекланиб қолмайди. Масалан, онанинг фарзанднинг перинатал парварishi ҳақидаги билимини бойитиш болаларнинг гўдақлигиданоқ соғлигини яхшилашга хизмат қилади.

Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китоблари-га кўра, инсон капиталига индивидуал инвестициялар умумлаштирилганда, турли мамлакатларда инсон капиталига киритилган инвестиция билан аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар ўртасидаги тафовут 10 фоиздан 30 фоизгача бўлишини кўрсатди.

Мисол учун, XIX аср ўрталарида Бразилия зиёли европаликларнинг Сан-Паулога иммиграциясини рағбатлантирган. Натижада 100 йилдан сўнг бу штатда юксак даражадаги таълим, қишлоқ ҳўжалигига нисбатан саноятдан кўпроқ бандлик, шунингдек, аҳоли жон бошига янада юқори даромад кузатилди.

Айниқса, таълим катта самарадорлик келтирарди, шунинг учун у қашшоқлик кўламини қисқартиришда муҳим роль ўйнайди. Буни Гана тарихи ҳам тасдиқлайди: 1990 йилларда ва

2000 йиллар бошида мамлакат таълимга кетадиган харажатлар миқдори-ни икки баробар кўпайтириш орқали асосий кўрсаткичларни кескин оширишга муваффақ бўлди. Натижада 1999 йилдан 2012 йилгача мамлакат-да саводхонлик даражаси 64 фоизга етди, қашшоқлик даражаси эса 61 фоиздан 13 фоизга тушди.

Таълимга киритиладиган сармоялар ҳам жамиятда ижтимоий тенгсизликни камайтириши мумкин. Аксарият мамлакатларда нисбатан ўзига тўқ оилаларда тутилган фарзандлар болаликданоқ кенг имкониятлардан фойдала-нишни бошлайди ва бу бутун умри да-вомида қатор афзалликларга олиб ке-лади, аксинча, ночорроқ оилалар фар-зандлари бундай имкониятлардан фой-далана олмайди.

Бундай муаммони ҳукумат томони-дан ҳал этиш бўйича саъй-ҳаракатлар амалга оширилганда иқтисодий тенг-сизлиkning қисқариш тенденцияси ку-затилади. Шимолий Каролинада ўткази-лган тадқиқот агар Кўшма Штатлар болалиқданоқ самарали ривожланиш дастурларидан фойдаланса, мамлакат-да даромадлардаги тенгсизлик 7 фо-изга камайишини кўрсатди. Бу эса АҚШнинг Канада даражасига эриши-ши учун етарли.

Инсон капиталига сармоя киритиш-дан жамият ҳам катта манфаат кўра-ди. Узлуқсиз мактаб таълими турли жиноятлар содир этилиши эҳтимоли-ни камайтиради.

2017 йилда Либерияда наркотиклар савдоси билан шуғуланувчилар, ўғри-лар ва жиноятга мойил бошқа эркак-лар когнитив-ахлоқий терапияга йўналтирилиши бўйича тадқиқот ўткази-лган. Бу уларга ўз ҳиссий ҳолатини англаб етиш, ўзини идора этишни ях-шилаш ва мураккаб вазиятларда тўғри йўл тутиш каби кўникмаларни шакл-лантиришни кўзда тутган. Унчалик кўп харажат талаб этмаган дастур ушбу инсонларнинг жиноят оламига қайти-ши эҳтимолини сезиларли даражада қисқартирди.

Инсон капитали шахснинг жамият ҳаётида иштирок этиши билан боғлиқ, 1970 йилнинг ўрталарида Нигерияда умумий бошланғич таълим жорий эти-либ, болаларнинг катта қисми бошлан-ғич мактабларга қамраб олинди. Бир неча йил ўтиб, бу йигит ва қизлар ян-гиликлар билан қизиқиш, тенгқурла-ри билан сёбат ҳақида суҳбат қуриш, палата йигилишлари ва сайловларда иштирок этишни бошлади.

Инсон капиталига инвестиция ки-ритиш ишонч даражасини ҳам ошира-ди. Ўқимишли инсонлар бошқаларга кўпроқ ишонади, ишонч даражаси ба-ланд бўлган жамият одатда нисбатан юқори иқтисодий ўсишга эришади. Шунингдек, улар анча сабрли ҳам бўлади: тадқиқотлар йигирманчи аср ўрталарида Европада амалга оширил-ган мактаб ислохотлари одамларнинг мигрантларга нисбатан бағрикенгроқ бўлишига хизмат қилган.

Аён бўлган ҳақиқатлар

Инсон капитали ўз-ўзидан юзага чиқмайди, у давлат томонидан ривожлантирилиши лозим. Хусусан, кўпича инсон камолоти учун инвестиция ки-ритиш ва бу сармоянинг бошқаларга ҳам тарқалиши омили инobatга олин-майди.

Масалан, ота-оналар ўз фарзанди-нинг тижжасини даволаш ҳақида қарор қабул қилар экан, аввало, унинг сало-матлиги ҳақида қайғуради. Бироқ бу харакатлар бошқа болаларнинг касал-ланиш хавфини камайтиришини эсла-майди.

Масалан, ота-оналар ўз фарзанди-нинг тижжасини даволаш ҳақида қарор қабул қилар экан, аввало, унинг сало-матлиги ҳақида қайғуради. Бироқ бу харакатлар бошқа болаларнинг касал-ланиш хавфини камайтиришини эсла-майди. Ёки фарзанднинг боғчадаёқ кўпроқ қилишга эга бўлиши учун пул сарф-лаётган ота-оналарни олайлик. Улар шу орқали келажақда жиноятчилиkning камайиши ва маҳбуслар сонининг қисқариши сингари янада кенгроқ иж-тимоий аҳамиятга таъсир кўрсатаёт-ганини эътиборга олмайди.

2010 йилда Мичиганда ишлаб чи-қилган мактабгача таълим дастура-ридан бирининг самарадорлиги ўрга-нилганда сарфланган ҳар бир доллар жамиятга 7 доллардан 12 долларгача фойда бўлиб қайтгани аниқланган.

Баъзи ҳолларда жамиятда қабул қилинган нормалар ота-оналарни ўз фарзандига сармоя киритишдан қай-таради. Ота-оналарнинг ўғлига қиз фарзандидан кўра кўпроқ эътибор қаратиши аввалдан маълум. Бироқ ушбу камситиш таъсири келгусида ку-тилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Масалан, Ҳиндистон ҳукуматининг ҳисоб-китобларига қараганда, мамла-катда 21 миллионга яқин ана шундай «исталмаган қизлар» мавжуд. Бу қиза-лоқлар ҳам саломатлик, ҳам таълим нуктаи назаридан ота-онасидан кам-роқ эътибор кўради.

Бошқа ҳолатларда оилалар ўз бо-лаларига сармоя киритишни истайди, бироқ бунга қурби етмайди. Камбағал ота-оналарда истеъдодли болаларини мактабда ўқитишга пул тўлаши учун кредит олиш имкони йўқ. Ҳатто таъ-лим бепул бўлган тақдирда ҳам улар

транспорт ва мактаб харажатлари учун пул топиши зарур. Бола оилага қўшим-ча даромад келтириши учун ишлаши ва шу боисдан мактабда ўқий олмас-лиги билан боғлиқ ҳолатларни айтма-са ҳам бўлади.

Ҳукуматларнинг инсон капиталига инвестиция киритиши муҳим аҳамият-га эга бўлса-да, сиёсатчилар кўпинча бунга қарши турадилар. Амалдорлар-да ўзини оқлашга бир неча ўн йиллар талаб этадиган дастурларни қўллаб-қувватлаш учун рағбатнинг ўзи йўқ.

Мисол учун, эпидемия мавжуд бўлмаган ҳолатда сиёсатчилар жамия-тдаги соғлиқни сақлаш аҳолига эъти-борни сусайтириши мумкин. Аҳоли са-ломатлигини таъминлаш бўйича лойи-ҳалар солиқларни ошириш ёки янада муҳимроқ харажатлар, хусусан, ин-

✔ *Айни пайтда болаликда когнитив ва ижтимоий-ҳиссий имкониятларда йўл қўйилган айрим камчиликларни балоғат ёшига етганда тузатиш қимматга тушади. Шунинг учун ҳукумат томонидан инсон капиталини бола ҳаётининг дастлабки 1000 кунлигида ривожлантириш иқтисодий самара беради.*

✔ *Таълимга киритиладиган сармоялар ҳам жамиятда ижтимоий тенгсизликни камайтириши мумкин. Аксарият мамлакатларда нисбатан ўзига тўқ оилаларда туғилган фарзандлар болалиқданоқ кенг имкониятлардан фойдаланишни бошлайди ва бу бутун умри давомида қатор афзалликларга олиб келади, аксинча, ночорроқ оилалар фарзандлари бундай имкониятлардан фойдалана олмайди.*

✔ *Инсон капиталига инвестиция киритиш ишонч даражасини ҳам оширади. Ўқимишли инсонлар бошқаларга кўпроқ ишонади, ишонч даражаси баланд бўлган жамият одатда нисбатан юқори иқтисодий ўсишга эришади. Шунингдек, улар анча сабрли ҳам бўлади: тадқиқотлар йигирманчи аср ўрталарида Европада амалга оширилган мактаб ислохотлари одамларнинг мигрантларга нисбатан бағрикенгроқ бўлишига хизмат қилган.*

фратузилма ёки ижтимоий эҳтиёжлар учун ажратилган маблағлардан бир қисмин олиш йўли билан молия-лаштирилганига мисоллар жуда кам.

2012 йилда Нигерия ҳукумати она-лик ва болалиқни муҳофаза қилиш учун кўпроқ маблағ йўналтириш мақсадида мамлакатдаги ёқилиғ махсусотларига субсидияларни бекор қилганида жи-ддий қаршиликка учраган эди. Ушбу ма-салани ОАВДа ёритишда бор эътибор субсидияларнинг тўхтатилишига қара-тилган ва жамият учун ўта зарур бўлган биринчи тиббий-санитар ёрдамни ке-нгайтириш масаласига кам аҳамият бе-рилмади. Кенг миқёсдаги ижтимоий норозиликлардан сўнг субсидия қайта тикланган.

Баъзи давлатларда бундай норози-лик қисман ижтимоий келишувнинг за-ифлиги билан изоҳланади: фуқаролар ўз ҳукуматига ишонмайди ва шу са-бабдан, ўзларининг фикрича, кейин-чалик исзис йўқ бўлиб кетадиган со-лиқларни тўлашга иккиланади.

Ўзлигини намоён қилиш муаммоси ҳамма жойда мураккаб. Бутун дунёда ҳаддан ташқари кўп болалар ўқишни билмайди, чунки уларнинг ўқитувчила-ри етарли даражада билимга эга эмас. «Хизматлар кўрсатиш даражалари» ушбу муаммонинг туб моҳиятини очиб берган ташаббус бўлди. У Жаҳон бан-ки гуруҳи томонидан Африка иқтисо-дий тадқиқотлар консорциуми билан ҳамкорликда Африканинг Сахрои Ка-бирдан Жанубда жойлашган мамлакат-лардаги маълумотларни тўплаш мақ-садида илгари сурилган эди.

Еттига давлат — Кения, Мозамбик, Нигерия, Сенегал, Танзания, Уганда ва Тоғода тўртинчи синф ўқитувчилари-нинг 66 фоизигина тил бўйича ушбу синф ўқув дастурини ўзлаштирган, 68 фоизи математикадан дарс бериш учун талаб этиладиган минимал би-лим даражасига эга экан.

Мазкур давлатларнинг соғлиқни сақ-лаш соҳасида ишлаётган тиббиёт хо-димлари фақат 53 фоиз ҳолатда без-гак, диарея, зотилижам, сил ва диабет сингари касалликларга тўғри ташихс қўя олган.

Ўзини намоён қилиш бу борада хизмат қилаётган инсонлар вазифаси-ни сидқиқидан баҳарлишига етарли-ча рағбат бўлмаган жойларда ҳам муш-қуллашда.

Юқорида тилга олинган етти дав-латда ўқитувчилар белгиланган дарс соатларининг ярминигина ўтган. Кўп ҳолларда муаммонинг илдизи давлат хизматчилари маъмурий-буйруқбоз-лик авж олган шароитда, хизмат по-ғоналаридан кўтарилиш меҳнат на-тижасига эмас, балки таниш-билиш-лар билан алоқаларга қараб юз бе-радиган шароитларда ишлашига бо-риб тақалади.

Дарвоқе, ижобий мисоллар кам бор. Марказий ҳокимият, маҳаллий орган-лар ва хизмат кўрсатувчиларнинг мақ-садлари муштарак келса, мамлакатлар инсон капиталини яхшилаш борасида катта муваффақиятларни қўлга ки-ритиши мумкин. 2004 йилда Аргентина-да Жаҳон банки гуруҳи кўмагида амал-га оширилган «Plan Nacer» дастури ана шундай ижобий самара келтирган эди.

Дастур тиббий сугуртага эга бўлма-ган оилаларга уни олишда ёрдам-лашишни кўзда тутган эди. Унга муво-фиқ, маблағлар ҳудудларга провинция-даги оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш хизматларининг қамрови ҳамда сифатини белгиловчи кўрсаткичлар, шунингдек, ушбу хизматларни яхши-лашга туртки бўлувчи ёндашувлар асо-сида тақсимланди. «Plan Nacer» лойи-ҳаси бўйича моддий ёрдам олган про-винцияларда чақалоқ дунёга келгани-да вазни меъёрдан паст бўлиши эҳтимоли 19 фоиз камайди.

Ривожланаётган мамлакатларда то-бора кўпроқ аҳоли соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларининг яхшиланиши-ни талаб қилмоқда. Масалан, Перуда фуқаролик жамияти гуруҳлари томо-нидан ташкил қилинган ташвиқот тад-

да. Бу таҳлил ҳукуматларни ҳаракат қилишга ундайди. Жаҳон банки гуруҳи томонидан инсон капиталининг асосий жиҳатларини қамраб олиш учун ишлаб чиқилаётган кўрсаткичлар мантиси ана шундай.

Ушбу ўлчов инсон капиталига сар-моя самарасиз бўлган мамлакатлар учун даъват бўлиб хизмат қилиши мум-кин. Биз ўз ҳаракатларимизни соғлиқ-ни сақлаш ва таълимга йўналтирамиз, асосларни ўрганиб борамиз. Ҳозир ту-ғилган болалар мактаб ёшгача яшай олармикан? Агар яшаб қолса, мактаб-га бора олармикан? Улар неча йил ўқийди? Ўрта мактабни битиргунча улар соғ-саломат, келгуси ўқиш ва ишга тайёр бўла оладими?

Қўллаб ривожланаётган мамлакат-ларда ёшларнинг соғлигини мус-таҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилиши керак. Бенин, Бур-кина-Фасо ва Кот-д'Ивуарда бугун ту-ғилган болаларнинг 10 фоизи ўзининг бешинчи туғилган кунини ҳеч қачон кўрмайди.

Жанубий Осиёда сурункали тўйиб овқатланмаслик натижасида беш ёшга-ча бўлган болаларнинг учдан бир қисмидан кўпроги ўз ёшига нисбатан паст бўйли бўлиб, бу мия ривожлани-шига путур етказади ва ўқиш лаёқати-га жиддий тўсқинлик қилади.

Бу таълим соҳасига ҳам тегишли-дир. Таълимнинг аҳамиятини яхшироқ англаш учун Жаҳон банки гуруҳи ЮНЕСКОнинг Статистика институти билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг ўзлаштиришини баҳолаш натижалари бўйича янги маълумотлар базасини ишлаб чиқди.

Биз 150 дан зиёд мамлакатни қам-раб олувчи бир неча йирик тест дас-турлари натижаларини PISA баҳолари билан қиёслаш мақсадида мувофиқ-лаштирдик. Маълумотлар базаси таъ-лим соҳасида улкан муаммолар бор-лигини кўрсатди: ривожланаётган мамлакатларда ўқувчиларнинг қарийб 50 фоизи «профессионалликнинг энг паст даражаси» деб аталадиган муам-мога дуч келади.

Сингапурда ўқувчиларнинг 98 фо-изи, Жанубий Африкада 26 фоизи ўрта мактабда халқаро базавий даражага эришади. Бошқача айтганда, Сингапу-рда ўрта мактаб ўқувчиларининг деяр-ли барчаси дунёнинг исталган жойида ишлаш учун етарли малакага эга. Жа-нубий африкалик ёшларнинг қарийб тўртдан уч қисми саводсиз. Бу инсон салоҳиятини йўқотиш.

Болалар мактабни битиран экан, қайси мамлакатда яшашига қараб соғ-лиғи борасида мутлақо турли истик-болларга дуч келади. Дунёнинг энг ба-давлат мамлакатларида 15 ёшли ўсмирларнинг қарийб 5 фоизи ўзининг 60 ёшлигини қаршилай олмайдди. Қашшоқ мамлакатларда 15 ёшли ўсмирларнинг 40 фоизи 60 ёшгача ва-фот этади.

Ушбу фактлар турли мамлакатлар-да соғлиқни сақлаш ва таълим соҳа-сида улкан тафовутлар борлигини кўрсатади. Биз инсон капиталининг турли жиҳатларини бирлаштириш учун Жаҳон банки гуруҳида уларни ягона индексга ййгамиз. У ишчиларнинг кел-гуси авлоди меҳнати самарадорлиги-нинг пасайиши нуктаи назаридан ин-сон капиталига инвестиция киритмас-лиқ оқибатларини намоён этади.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, бугун-ги кунда инсон капиталига энг кам сар-моя киритиладиган мамлакатларда келгусида ишчи кучининг самарадор-лиғи, агар одамлар тўлиқ соғлом бўлиб, сифатли таълим олса, эришиш мумкин бўлган кўрсаткич сезиларли пасайиб кетади.

Шу тарзда инсон капиталига сар-моядан олинадиган иқтисодий фойда-ни ўлчаш соғлиқ ва таълим яхшилани-шининг ижтимоий ва ички қийматини камайтирмайди. Молия вазирлиги, одатда, инсон капиталига сармоя ки-ритишдан кўра, ўз мамлакатининг қарзлари ҳақида кўпроқ қайғуради.

Жаҳон банки гуруҳи инсон капита-лига сармоя қилиш таъсирининг ижо-бий натижаларини тарғиб этиб, сиё-сатчиларни нафақат банк ҳисоб рақам-лари, балки мактаблар ва касалхона-лардаги ҳолатлар ҳақида ҳам қайғу-ришга руҳлантириши мумкин. Шунинг-дек, индекс инвестициялар даражаси пасайиб бораётган мамлакатлар учун ҳаракатга даъват бўлади.

«Doing Business» ҳисоботидан кўри-надик, кенг кўлами ўлчовлар хо-латида ҳам ислохотлар ҳар доим амалга оширилавермайди. Юқоридаги индекс давлат раҳбарлари ва молия вазирла-ри олдига кўз юмиб бўлмайдиган ма-сала қўяди.

Мамлакатларнинг қиёсий таҳлили — бу фақат дастлабки қадам. Агар ҳуку-матлар инсон капиталига қандай сар-моялар самара олиб келишини аниқ-лаши амалда бўлса, инсон капитали-ни ривожлантиришга кўмаклашувчи турли омилларни ҳисобга олиши за-рур бўлади.

Энг яхши кўрсаткич бу ижтимоий фаровонлик бўлиб, у кўп ҳолларда етарли даражада молиялаштирилмай-ди. Жаҳон банки гуруҳи амалий фой-да келтириши мумкин: турли ҳамкор-ларнинг ҳаракатини мувофиқлашти-

ришга кўмаклашиш, умумқамровли ах-боротларни тўплаш, сиёсатчиларга маслаҳат бериш, техник ёрдам кўр-сатиш ва самарали чораларни ишлаб чиқишга кўмаклашиш.

XXI асрда инсон капитали

Инсон капиталининг ривожланиши одамлар, иқтисодиётлар, жамиятлар ва бутун дунёда барқарорлик учун аҳамия-тга эга. Бу келгуси авлодлар учун ҳам муҳимдир.

Мамлакатлар инсон капиталига са-марали инвестиция қила олмас экан, айниқса, камбағаллар учун катта ха-ражатлар юзага келади. Ушбу хара-жатлар келгуси авлодларни оғир аҳолига солиб қўяди.

Катта харажатларни талаб этувчи технологик тараққиёт туфайли фуқа-ролари самарали турмуш кечириши учун замин яратишга қодир эмаслик, нафақат юқори харажатлар билан бир-га кечади, балки жиддий тенгсизлик-ни келтириб чиқаради. Бу эса хавф-сизликка ҳам таҳдид солади, зеро, кон-дирилмаган талаблар тартибсизлиқлар келтириб чиқариши мумкин.

Энг яхши маълумот — жавобнинг бир қисми, фақат бир қисми, холос. Биринчидан, агар маблағ етарли бўлмаса, ҳукумат сифатли хизмат кўрсата олмайди. Шу тарика инсон ка-питалига сурункали тарзда инвестиция киритмайдиган мамлакатлар солиқ нуқ-сонлари ва истисноларини бартараф этишга, тушумлар йиғилишини яхши-лашга ва харажатларни қайта йўнал-тиришга мажбур бўлади.

Масалан, Миср ва Индонезия сўнгги йилларда энергетик субсидияларини кескин камайтирди ва ушбу ресурс-ларни ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантириш-га қайта йўналтирди.

2012 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда тамаки махсусотларига солиқ-лардан олинган даромад Филиппинга соғлиқни сақлаш департаменти бюд-жетини ҳамда тиббий суғурта билан қамраб олинган аҳоли улушини уч ба-робар ошириш имконини берди.

Америка Қўшма Штатларининг Фи-ладельфия шаҳри газли ичимликлар-дан ундириллаган солиқни мактабга-ча таълимни молиялашда фойдала-нишга интилмоқда.

Аммо молиялаштириш ҳажмини оширишнинг ўзи етарли эмас. Айрим мамлакатлар ижтимоий хизматлар си-фатини сақлаган ҳолда, уларнинг са-марадорлигини ошириш устида иш-лашга мажбур. Масалан, Жаҳон банки гуруҳи томонидан ақинда Бразилияда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсат-дики, маҳаллий даражада соғлиқни сақлаш секторида самарадорлиkning оширилиши ЯИМнинг тахминан 0,3 фо-изига тенг тежамкорлиқни таъминла-ши мумкин.

Бошқа айрим мамлакатларда рақо-батлашувчи томонларнинг манфаатла-ри ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Чилининг таълим соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги кўп йиллик тажри-баси асосий мақсадлардан бири: бу-тун эътиборни таълим ҳамма учун қоидасига қаратиш йўлида сиёсий ко-алициялар тузишнинг муҳимлигини кўрсатди.

2004 йилда мамлакат ислохотлар ўтказиш ва ўқитувчиларнинг қасаба уюшмаларига

“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 04.40 Топширилди — 06.00 1 2 3 4 5 6